



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT
DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR KAFEDRASI

GUMANITAR FANLARNI O'QITISHNING ZAMONAVIY ILMIY YO'NALISHLARI

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ONLAYN
KONFERENSIYASI

2021-
yil

8-MAY



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR KAFEDRASI

**“GUMANITAR FANLARNI O‘QITISHNING
ZAMONAVIY ILMIY YO‘NALISHLARI”**

respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiyasi

M A T E R I A L L A R I

Toshkent – 2021

ISBN: 978-9943-7285-4-7

UO‘K: 377.112.4

KBK: 74.266

Oliy ta‘lim mamlakatning ertangi taraqqiyotini belgilab beradigan, jamiyat hayotining barcha jabhasini isloh etishda hal qiluvchi vazifani bajaradigan muhim ta‘lim bosqichi hisoblanadi. Shuning uchun ham mehnat bozorida raqobatdosh, yuqori malakali kadrlar tayyorlash, oliy ta‘lim tizimi sifati va samaradorligini tubdan oshirish har bir mamlakat ijtimoiy siyosatining asosiy negizini tashkil etadi. Mazkur masalani hal qilishda ijtimoiy-gumanitar fanlarning o‘ziga xos o‘mi bor.

Mazkur to‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universitetida 2021-yil 8-mayda tashkil etilgan “Gumanitar fanlarni o‘qitishning zamonaviy ilmiy yo‘nalishlari” mavzusidagi respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallaridan iborat.

Konferensiya O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligining 2021-yilda respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasiga muvofiq tashkil etilgan. Ilmiy anjumanda respublikamiz oliy o‘quv yurtlarida, kasbiy ta‘lim hamda umumta‘lim maktablarida faoliyat olib borayotgan professor-o‘qituvchilar, ijtimoiy-gumanitar fanlar yo‘nalishida ilmiy tatqiqotlar olib borayotgan respublikamiz olimlari, doktorantlar va mustaqil tadqiqotchilarning vaqolalari jamlangan.

To‘plam uchun mas‘ullar:

Mas‘ul muharrir: Sh. Sirojiddinov f.f.d., professor

Ilmiy muharrirlar: I. Aslonov. psixol.f.n., dotsent, D. Arapbaeva psixol.f.n., dotsent.

Taqrizchilar: L. Raupova f.f.d. professor, va Sh. Abdullayeva f.f.d. professor

Tahrir hay‘ati: V. Muxamedjanova t.f.n. dotsent, I. Uzakov p.f.n.,

A. Bo‘ronov, Sh. Muxamedov,

Tuzuvchilar: I. Aslonov. psixol.f.n., dotsent, D. Arapbaeva psixol.f.n., dotsent,

R. Alimbayeva, M. Karimova, A. Zarifov

Sahifalovchi va dizayner: Sh. Tursun

Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma‘lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

UO‘K: 377.112.4

KBK: 74.266

ISBN: 978-9943-7285-4-7

© “Lesson Press” nashriyoti.

© ToshDO‘TAU, 2021

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕРСОНАЛЛАРИНИНГ АКАДЕМИК МОБИЛЛИГИ	
Уралов Озоджон Шарипжонович	292
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР	
Каршиева Зулфия Шукуровна	297
ТАРИХИЙ ФАНИНИ ЎҚИТИШ: ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА	
Рахимов Наврўзбек Шохназарович, Болтаева Наргиза Ражаббоевна.....	301
O'SMIRLIK DAVRIDA KOLLEJ-LITSEY O'QUVCHILARIDA KASB TANLASH VA TA'LIM-TARBIYANI RIVOJLANTIRISHNING PSIXOLOGIK MUAMMOSI	
Karimova Madina Holmurotovna	306
ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЛЬКЛОР САЊЪАТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	
Арапбаева Дамегул Курбановна, Хидирова Фарангиз Рустам қизи.....	310
O'QITUVCHILARDA INNOVATSION FAOLIYATGA TAYYORLIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH DAVR TALABI SIFATIDA	
Xurramov Anvar Vafokulovich	313
XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХИНИНГ АРХИВ ХУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ	
Жонибек Бўтаев	318
ҲОЗИРГИ КУНДА ТАЛАБА - ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ МАДАНИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ	
М.Г.Раимова, Г.А.Абдуҳалимова.....	323
MOBIL ALOQA VOSITALARINING INSON RUHIYATIGA TA'SIRINING JOBIY VA SALBIY JIHATLARI	
Toshmatov Bobobxon Egamshukurovicjh	326
XX АСР БОШЛАРИДАГИ ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИНИ НОМЛАШ МАСАЛАСИ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИДА	
Рахимов Наврўзбек Шохназарович	328
ПОЛОЖЕНИЕ ЖЕНЩИНЫ В СРЕДНЕАЗИАТСКОМ ОБЩЕСТВЕ: СОЦИАЛЬНО-ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ	
Умурзакова Раъно Ахмедовна	332

XX АСР БОШЛАРИДАГИ ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИНИ НОМЛАШ МАСАЛАСИ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИДА

Рахимов Наврўзбек Шохназарович

navrozbekrahimov@gmail.com

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

XX аср бошлари Хоразм тарихига бағишланган тадқиқотларда 1920-1924 йилларда мавжуд бўлган Муваққат ҳукумати, ундан кейин тузилган Ёш хиваликлардан ташкил топган Халқ Нозирлар Шўроси, Хоразм воҳасининг маъмурий бирликлари, маҳаллий ҳокимият ва большевиклар орасидаги муносабатлар, кадрлар масаласи ва бошқарув билан боғлиқ масалалар ўз аскини топган. Бунда асосан давр адабиётларидан, жараёнда бевосита иштирок этган шахсларнинг ёзиб қолдирган хотиралардан манба сифатида фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Эътиборли жиҳати ўтган юз йил давомида ушбу Республика тарихи бўйича изланишлар олиб борган тадқиқотчиларнинг деярли барчаси давлатнинг номланиши бўйича турлича йўл тутганликлари, кўпгина ишларда асосан уни “Хоразм Халқ Совет Республикаси”, “Хоразм Совет Социалистик Республикаси” ёки “Хоразм Республикаси” кўринишларида беришгани ва бу ҳолат ҳозиргача давом этаётганини айтиб ўтиш керак [1].

XXШЖ тарихига тааллуқли изланишларда ушбу давлатнинг номланиши ҳам баҳсли, ҳам муаммоли масала сифатида кўзга ташланади.

Қайд этиш лозим, Хива шаҳрида 1920 йил 27 апрелда очилган ва майгача давом этган халқ вакилларининг I Бутунхоразм курултойида Хива хонлиги бекор қилинганлиги ва унинг ўрнига мамлакатнинг эски Хоразм деган номи тикланиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси деб аталиши тантанали эълон қилинди [2]. 1923 йил 18 октябрдан 20 октябргача Бутунхоразм Советларининг IV курултойида эса мамлакатда амалга оширилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар ҳисобга олиниб, “Хоразм Халқ Совет Республикаси ўзининг янги социалистик даврига кирди”, деб белгиланди ва давлатнинг расмий номи Хоразм Совет Социалистик Республикаси деб юритила бошланди [3]. ХССР МИКнинг 1924 йил 22 ноябрда бўлиб ўтган V Пленуми қарорига биноан у Ўзбекистон ССР таркибига 23 район билан киритилди [4].

XXШЖ ва Ёш хиваликлар тарихига бағишланган адабиётларда эса 1920 йил 27 апрел I Бутунхоразм курултойида эълон қилинган Хоразм Халқ Совет Республикаси номини қўллаш кўпроқ кузатилади. Тадқиқотчиларнинг деярли барчаси ушбу давлатнинг номланиши бўйича турлича йўл тутганликлари, кўпгина ишларда асосан уни “Хоразм Халқ Совет Республикаси”, “Хоразм Совет Социалистик Республикаси” ёки “Хоразм Республикаси”

кўринишларида беришгани ва бу ҳолат ҳозиргача давом этаётганини айтиб ўтиш керак [5].

Бунинг биринчи сабабини, 1923 йил октябрь ойидан давлат номи Хоразм Совет Социалистик Республикаси ўзгартирилсада, унинг бир йиллик қисқа фаолияти давомида Бутунхоразм Советларининг IV курултойида қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетгани, оддий халқ ҳаётида бу ўзгаришнинг деярли таъсири сезилмаганлиги билан боғлаш мумкин.

Шунингдек, иккинчи сабаби ХХШЖ тарихига таалукли жуда кўплаб манбалар ва адабиётлар рус тилида бўлиб, бу айнан марказ томонидан янги сиёсий тузилмага берилган ном – Хорезмской Народной Советской Республики таржимасидан фойдаланилганлиги билан боғлиқ.

Аmmo, ХХШЖнинг эски ўзбек ёзувида ёзилган биринчи Конституциясида (1920.....) давлат номи "Хоразм Шўролар Жумҳурияти" деб берилганлигини таъкидлаш зарур. Ушбу Конституцияси икки тилда ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган. Рус тилидаги нашрида давлат номи – "Хорезмской Народной Советской Республики" деб келтирилади. Ушбу русча матнида келтирилган номлаш ХХШЖнинг 1921 йил 23 май, 1922 йил 23 июлдаги қабул қилинган Конституцияларида ҳам айнан шундай келтирилади. Шунингдек, ўша давр Хоразм матбуотида давлатнинг номи "Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти" деб ҳам тилга олинади. Хусусан, Хоразмда 1920 йил 7 мартдан чоп этила бошлаган ҳукумат нашри бўлмиш "Инқилоб куёши" газетасининг 1920 йил 20 август 26-сонида "*Яшасун Хоразм Халқ Шўролар Жумҳуриятининг маориф йўл бошлиқлари!*" жумласи мавжуд [6]. Бундан ташқари, ҳафтада бир маротаба чиқадиган ушбу газетанинг ҳар бир сонининг биринчи бетиде газета сарлавҳаси остида жумҳурият номи Х.Х.Ш.Ж. шаклида қисқартирилган ҳолда берилган. Унинг тагида эса "Хоразм Марказий Ижроия кўмити ҳам Иштирокиюн фирқа кўмити тарафиндан", жумласи ўрин олган [7]. Шу билан бирга, газетанинг кейинги йиллардаги айрим сонларида ушбу қисқартма ном берилмаган ҳоллари ҳам учрайди [8].

А. Болтаевнинг "Хоразм тарихига оид материаллар" номли кўлёзма асарида ҳам давлатни номлаш масаласига тўхталиб, "*Собиқ Хива хонлигининг эски исмини ташлаб, мамлакатларига Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти деб исм кўйгонларига Рус шўролари ҳам эътиборга олиб, бундан сўнг Хива хонлигини эндиликда Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти деб от кўймоқни лозим топди*" [9], деб ёзилган жумлаларга дуч келамиз. Демак, бу давлат маҳаллий халқ тилида Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти (ХХШЖ) деб аталган [10] ва унга 1920 йил 27 апрелда асос солинган эди [11]. 1923 йил 20 октябрда бўлиб ўтган Бутун Хоразм халқ вакилларининг IV курултойи ХХШЖни Хоразм Совет Социалистик Республикасига айлантириш тўғрисида қарорнинг қабул қилиниши эса ўша кезларда ҳукуматдагилар орасидаги, хусусан, маҳаллий тараққийпарварлар ва коммунистлар орасидаги зиддиятларнинг ҳосиласи эди.

Хуллас, юкоридаги манбаларга таяниб 1920-1924 йилларда Хоразм худудида фаолият юритган сиёсий тузулмани Хоразм Халқ Шоролар Жумхурияти номи билан миллий номлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 14; Сапаев Р.Х. История создания и развития Казахско-Каракалпакской автономной области в составе Хорезмской республики (1920-1925 г.г.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1999. – С. 25; Саидов Ш. Внешние отношения и торговые связи Хоразмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – С. 25; Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Ташкент, 2005. – Б. 5, 12; Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. – Ташкент, 2012. – Б. 13.

2. Болтаев А. Хоразм тарихига оид материаллар. Қўлёзма, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фонди, 9320-рақам, – 44-45 б; “Инқилоб куёши”, 1920 йил 20 август, №26. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 18;

3. ЎзР. МДА. Р-80 – фонд, 1 – рўйхат, 4 – иш, 45- варақ; Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 51-52;

4. ЎзР. МДА. Р-71 – фонд, 1 – рўйхат, 31 – иш, 30- варақ; Хоразм вилоят давлат архиви, 445-фонд, 1 – рўйхат, 36 – иш, 104- варақ, 188-фонд, 8 – рўйхат, 1 – иш, 3- варақ; Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 64;

5. Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 14; Сапаев Р.Х. История создания и развития Казахско-Каракалпакской автономной области в составе Хорезмской республики (1920-1925 г.г.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1999. – С. 25; Саидов Ш. Внешние отношения и торговые связи Хоразмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – С. 25; Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Ташкент, 2005. – Б. 5, 12; Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. – Ташкент, 2012. – Б. 13.

6. “Инқилоб куёши”, 1920 йил 20 август, №26.

7. “Инқилоб куёши”, 1922 йил 12 июнь, №9; “Инқилоб куёши”, 1922 йил 27 июнь, №8.

8. “Инқилоб куёши”, 1923 йил 24 февраль, №57; “Инқилоб куёши”, 1923 йил 23 июнь, №74.

9. Болтаев А. Хоразм тарихига оид материаллар. Қўлёзма, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фонди, 9320-рақам, – 44-45 б.

10. Болтаев А. Хоразм тарихига оид материаллар. Қўлёзма, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фонди, 9320-рақам, – 44-45 б; “Инқилоб куёши”, 1920 йил 20 август, №26.

11. Хоразм Шўролар Жумхуриятининг Қонуни Асосийси (конституцияси)..., - б. 1-14; Ўз МА, Р-71 фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 116-117-варақ; 45-иш, 25-29-варақлар; Хоразм Халқ Жумхурияти (ўзбекча). Энциклопедик луғат. 2. Тошкент: [Ўзбек совет энциклопедияси](#). 1988. п. 369. 5-89890-018-7.